



**ЎЗБЕКИСТОН СТАНДАРТЛАСHTИРИШ METROLOGIYA VA
SERTIFIKATLASHTIRISH AGENTLIGI
QARORI**

**Балиқ ва балиқ маҳсулотлари хавфсизлиги тўғрисидаги
махсус техник регламентни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикасининг “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, Балиқ ва балиқ маҳсулотлари хавфсизлигига қўйиладиган ягона талабларни белгилаш мақсадида “Ўзстандарт” агентлиги **қарор қилади:**

1. “Балиқ ва балиқ маҳсулотлари хавфсизлиги тўғрисида”ги махсус техник регламент (кейинги ўринларда техник регламент деб аталади) иловага мувофиқ тасдиқлансин ва 2021 йил 25 сентябрдан амалга киритилсин ҳамда унга О’з DSt 3212:2017 Давлат стандартига мувофиқ MTR.015:2020 белгиланиш берилсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги Қонуни талабларига мувофиқ, техник регламентни амалга киритилиши муносабати билан унда кўрсатилган маҳсулотни стандартлаштириш бўйича илгари қабул қилинган норматив хужжатлар мажбурийлик тусини йўқотиши ва белгиланган тартибда қўллашнинг ихтиёрийлик тусига эга бўлиши маълумот учун қабул қилинсин.

3. Техник жиҳатдан тартибга солиш бошқармаси (Д.Ходжикариев), Стандартлаштириш, давлат назоратини мувофиқлаштириш бошқармаси (Р.Хуснуллин), Стандартлар институти (А.Хамдамов), Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя қилинишини таъминлаш департаменти (З.Аманов), “UzTest” ДУК (А.Мустафаев) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** мазкур техник регламент билан тартибга солинувчи маҳсулотларнинг наъмуналарини олиш, синов ва ўлчов усулларини белгиловчи техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатлар рўйхатини шакллантирсин.

4. “Ўзстандарт” агентлиги (Д.Ходжикариев, Р.Расулов), Департамент (З.Аманов) “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмаси билан биргаликда тасдиқланган техник регламентнинг мақсадлари, мазмуни ва уни қўллаш тартиби тўғрисида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини кенг хабардор қилинишини таъминласинлар.

5. Ташкилий-назорат ва ижро интизоми бўлими (З.Гафуров) “Ўзстандарт” агентлиги тегишли тизим ташкилотларини мазкур қарор билан 2 кунлик муддатда таништирсин.

6. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш бош директорнинг биринчи ўринбосари Д. Каттаходжаев зиммасига юклатилсин.

Бош директор



Д. Саттаров